

МАҲСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ № МВ 013

«20» июн 2022 йил

Пешку т.

“MASTER BROTHER” МЧЖ Устави асосида иш юритувчи директор Тоғоев Б. А. кейинги ўринларда “Ижрочи” деб номланувчи бир томондан, Пешку туман Халқ таълими бўлими Устави асосида иш юритувчи мудир Ҳамидов М.О. кейинги ўринларда “Буюртмачи” номланувчи иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Ижрочи” ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан “Буюртмачи”га мулк сифатида топширишни, “Буюртмачи” эса товар(маҳсулот)ни қабул қилишни ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

	Маҳсулот тури	Улч.б	миқдори	нархи	Суммаси
1	Плитка керамическая (девор қисми учун)	қв.м	218	50 000	10 900 000
2	Плитка напольная (пол қисми учун)	қв.м	120	50 000	6 000 000
3	Включатель массы (18 талик)	шт	6	25 000	150 000
4	Лампа светодиодная	шт	18	65 000	1 170 000
	Жами				18 220 000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар(маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб “20” кун.

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 15.06.2022 йил лот рақами № 97895 булган баённомага асосан **18 220 000** (Ўн саккиз миллион икки юз йигирма минг) сўм деб белгиланди. Бажариладиган ишлар (товар(маҳсулот)ни етказиб бериш) учун олдиндан тўлов миқдори 30 % ни ташкил қилади.

2.2. Қолган 70 % фоизлик тўлов шартномани амал қилиш муддати тугаганга қадар тўлик амалга оширилиши шарт.

2.3. Кўрсатилган "Маҳсулотларни етказиб бериш" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда “Буюртмачи”га ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. “Ижрочи” товар (маҳсулот)ларни яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. “Ижрочи” Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайдан бошлаб 3 кун ичида “Ижрочи”ни хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олинаши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик учун айбдор тараф товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцептсиз тартибда ундириб олинади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

6.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

6.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб 2022-йил “20” июндан 2022-йил “31” декабргача амал қилади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Бухоро вилоят газначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси “Бюджет Кодекси”нинг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-йил 28-февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олинаши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

8. ФОРС-МАЖОР.

8.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, йенгиб бўлмайдиган куч,

яъни фавкулудда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

9.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида ЎзР. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

9.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар ЎзР. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан Бухоро туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Ижрочи”	“Буюртмачи”
“MASTER BROTHER” МЧЖ	Пешку туман Халқ таълими бўлими
Манзили: Бухоро вилояти Пешку тумани Янгигул 116 уй.	Манзил: Пешку туман Ибн-Сино кўчаси
Тел: 91-418-77-77	Тел./факс 65-35-31-464
х/р 20208000005380900000	м/х.в 100022860062407092100075053
Банк номи: TRUSBANK Бухоро филиали.	СТИР 200883574
МФО 01187	ОКОНХ 92310
ИНН 308424613	Пешку туман бўйича газначилик бўлинимаси
	Ғаз./х 23402000300100001010
	Банк номи: Тошкент шаҳар Марказий банк МФО 00014 газначилик бўлинимаси СТИР 201122919
Директор   Тоғоев Б. А.	Руководитель   Ҳамидов М.О.


Д. Ҳотамов
Ҳотамовнинг қўли
Ҳотамовнинг қўли
Ҳотамовнинг қўли

Пешку туман Халқ таълими
бўлими мудирини М.Ҳамидовга
марказлашган молия бухгалтерия
давлат харидлари ва шартномалар
бўйича мутахассис А.Ҳотамов
томонидан

Билдириш хати

Ушбу билдириш хатини ёзиб шуни маълум қиламанки, туман Халқ таълими бўлимига қарашли таълим муассасалари ҳожатхоналарини тамирлаш учун 18 220 000 (Ўн саккиз миллион икки юз йигирма минг) сўм пул кўчириш мақсадида "MASTER BROTHER" МЧЖ билан шартнома қилишда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Давлат харидлари ва шартномалар
бўйича мутахассис:



А.Ҳотамов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA
HUQUQIY XULOSA**

№

1. Loyihaning turi – shartnoma
2. Loyihaning nomi – (Master Brother MCHJ) va Peshku tuman xalq ta'limi bo'limi o'rtasida oldi-sotdi (qurilish mahsulotlari)mahsulotlari yetkazib berish shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Peshku tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan 22.06.2022 yil ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



M.Rahmonov

2022 yil « 24 » iyun